# Ким Қуръонни оҳанг билан ўқимаса




19:00 / 07.08.2022 15173

???? ????? ?????????? ?????? ????? ??????? ????
?????????? ? ?????: «?????? ?????? ???? ????
????????? ????????????». ??????? ?????????????.

97. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Қуръонни оҳанг билан ўқимаса, биздан эмас»**, дедилар.*

Бухорий ривоят қилган.

** «Биздан эмас» деганда суннатимизга амал қилувчи эмас, бизнинг йўлимиздан юрувчи эмас деган маъно англашилади. Демак, Қуръон ўқиганда овозни яхшилаш лозим. Чунки гўзал овознинг қалбга таъсири*

*кучли бўлади. Лекин бунда қуръоний лафзни ўзгартириб юбормаслик, бирон ҳарфни тушириб қолдирмаслик ёки зиёда қилиб қўймаслик шарт қилинади. Шунингдек, оҳангга берилиб кетиб, тиловат аҳкомларидан четга чиқиб кетиш ҳам ҳаромдир.*